

ILMIY-AMALIY JURNAL

Impact Factor: 5.394

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



7 JILD, 1

2026

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK
O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasi
professor, Yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
Yuridik fanlar doktori, professor.

TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ |

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:

DAVRONOV ATOBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida o'qituvchisi,
PhD yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori.

KARIMOV FARHOD
Siyosiy fanlar doktori, dotsent,
A. Avloniy nomidagi
Malaka oshirish instituti prorektori;

BAZAROVA DILDORA
Toshkent davlat yuridik universiteti
yuridik fanlar doktori, professor;

IMOMOV NURILLO
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik huquqi
kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori, professor;

KHAIRIEV NODIRJON
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
professori, yuridik fanlar doktori, dotsent;

NEMATOV JURABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
ma'muriy va moliyaviy huquq kafedrasida
dotsenti, yuridik fanlar doktori, dotsent;

ISMAILOV SHUKHRATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti mehnat
huquqi kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori;

KHABIBULLAEV DAVLATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik
protsessual va xo'jalik protsessual huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor;

OCHILOV KHASAN
Yuridik fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent;

IBROKHIMOV JAMSHID
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

GAFUROVA NOZIMAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

NARZIEV OTABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti xususiy
xalqaro huquq kafedrasida i.o. professori,
yuridik fanlar doktori;

MUSAEV BEKZOD
Toshkent davlat yuridik universiteti
konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

MURATAEV SERIKBEK
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi;

KAMALOVA DILDORA
Yuridik fanlar doktori, professor;

YUSUPOV SARDORBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti ma'muriy va
moliyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha
falsafa doktori (PhD), yuridik fanlar doktori, dotsent;

KHUJAEVA SHOKHJAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti
intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

CHORIEVA DILBAR
dotsent, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Kiberjinoyatlarni huquqiy tartibga solish va intellektual mulk va mualliflik huquqini himoya qilishda prokuratura organlarining roli.....	5
Zaynabutdinov Said Axrorbek Ulug'bek o'g'li	
2. Haqiqatni aniqlash prinsipini takomillashtirish masalalari.....	20
Suyunboyev Ixom Oybek o'g'li	
3. Вояга етмаганлар пробацациясида давлат ва жамоат институтлари ҳамкорлиги.....	25
Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич	
4. Dalillarning maqbulligini ta'minlashda tanib olish uchun ko'rsatish tergov harakatining ahamiyati.....	35
Ummatov Muhammadrasul Tursunovich	
5. Oilani mustahkamlash asoslari.....	43
Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna	
6. International legal aspects of the development of the trans-afghan transport corridor.....	49
Muhammadjonov Xojiakbar A'zamjon O'g'li, Firuza Khamdamova	
7. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг юридик табиати.....	63
Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович	
8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш этиш ва таъминлаш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	66
Якубов Мирзахид Турабаевич	
9. The Arbitration Agreement under Uzbek Law: Consent, Form, and the Limits of Party Autonomy.....	72
Nodirkhon Malikov	
10. Jamiyatda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda ijtimoiy va huquqiy normalarning o'rni.....	86
Abdullayeva Firuza Sharipovna	
11. O'zbekiston Respublikasida kompyuter texnologiyalari vositasida sodir etiladigan jinoyatlarni oldini olishning huquqiy jihatlari.....	95
Ibroximova Malikaxon Alijon qizi Farruh Tashev Muzaffarovich	

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАЪМИНЛАШ ШАКЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20178024>

Якубов Мирзахид Турабаевич

Вазирлар Маҳкамаси департамент раҳбари,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,
yakubov.m@gov.uz

Аннотация: Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини ташкил этиш ва таъминлашнинг ихтиёрий ва мажбурий шакллари ҳамда ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ушбу мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этишнинг субъектнинг ўз мажбуриятига ёндашуvidан ва унга нисбатан давлатнинг муносабатидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишни ижро этилаётган норманинг мазмунидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бажариш ва риоя этиш субъектидан келиб чиқувчи шакллари ўрганилган.

Таянч сўзлар: норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ижро этиш механизми, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишнинг шакллари, ихтиёрий ижро этиш, мажбурий ижро этиш.

FORMS OF ORGANIZATION AND ENSURANCE OF THE EXECUTION OF NORMATIVE-LEGAL DOCUMENTS AND THEIR CHARACTERISTICS

Yakubov Mirzahid Turabaevich

Head of the Department of the Cabinet of Ministers,
Independent Researcher of Tashkent State University of Law,
yakubov.m@gov.uz

Annotation: The article provides a scientific and theoretical analysis of voluntary and mandatory forms of organization and provision of the execution of normative-legal documents. This article studies the forms of execution of normative-legal documents arising from the subject's approach to its obligations and the state's attitude towards it, the content of the norm being executed, the subject's implementation and compliance with normative-legal documents.

Keywords: regulatory legal act, implementation mechanism, organization of implementation of regulatory legal acts, ensuring the implementation of regulatory legal acts, forms of implementation of regulatory legal acts, voluntary implementation, mandatory implementation.

ФОРМЫ ОРГАНИЗАЦИИ И ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИСПОЛНЕНИЯ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ И ИХ ХАРАКТЕРИСТИКИ

Якубов Мирзахид Турабаевич

Заведующий отделом Кабинета Министров,
Независимый исследователь Ташкентского государственного юридического
университета,
yakubov.m@gov.uz

Аннотация: В статье представлен научно-теоретический анализ добровольных и обязательных форм организации и обеспечения исполнения нормативно-правовых документов. В статье изучаются формы исполнения нормативно-правовых документов, вытекающие из подхода субъекта к своим обязательствам и отношения государства к нему, содержания исполняемой нормы, осуществления субъектом нормативно-правовых документов и их соблюдения.

Ключевые слова: нормативно-правовой акт, механизм исполнения, организация исполнения нормативно-правовых актов, обеспечение исполнения нормативно-правовых актов, формы исполнения нормативно-правовых актов, добровольное исполнение, обязательное исполнение.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этишни ҳуқуқ нормаси мазмунига кўра, рухсат этувчи, мажбурловчи ва тақиқловчи ҳуқуқ нормаларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга ажратиш мумкин.

Субъектнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этиш бўйича мажбуриятига ёндашувидан ва унга нисбатан давлатнинг муносабатидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишнинг иккита шакли – *ихтиёрий* ва *мажбурий шакллари*ни ажратиш кўрсатиш мумкин.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш ҳуқуққа мос ҳуқ-атворнинг формал талабларига жавоб берсада, ўзинг мотивацион асосига кўра у билан бир хил ҳисобланмайди. Чунки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этиш ижтимоий фаол, одатий, конформистик ва ҳаттоки маргинал ҳуқ-атвор билан ҳам амалга оширилиши мумкин”¹.

“Ҳуқуққа мос ҳуқ-атворнинг тегишли таснифидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш унинг мотивларидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этишнинг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин:

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мақсадли (онгли) ижро этиш – ҳуқуқ субъектининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ҳуқуқий онги ва дунёқарашидан келиб чиқиб, онгли равишда бажариши;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни автоматик (одатдаги) ижро этиш – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мажбуриятларни шахснинг ички ҳис-туйғулари билан боғланмаган ҳолда кундалик, конформистик амалга ошириш;

¹ Порошин Е.А. Исполнимость нормативных правовых актов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2006. – С.12-13.

3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни шартли (формал) ижро этиш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мажбуриятларни шахс манфаатларига зид равишда, мажбуран бажариш”¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишнинг юқоридаги турлари орасидан айнан уларни мақсадли (онгли) ижро этиш юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига эга бўлган шахсларга хос хулқ-атвор тури ҳисобланади ва муҳим аҳамият касб этади. Ҳамма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам “ўз ўзидан”, масъул шахсларнинг ташаббусига кўра ижро этилавермайди, чунки, айрим ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда шахснинг манфаатларига зид бўлган, унинг ички дунёсига зид бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлиши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳаётга татбиқ этилиши лозим, шу боис ҳам мазкур ҳолатлар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этиш тартиби назарда тутилган².

Таъкидлаш лозимки, барча давлатларда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этириш тартиби мавжуд. Бу авваламбор, оммавий манфаатларни муҳофаза қилиш зарурати билан изоҳланади. Шу ўринда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этиш факультатив эканлигини, унинг бўлиши ҳамма вақт ҳам мажбурий шарт эмаслигини қайд этиш лозим.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этиш уни ижро этишнинг асосий шакли — ихтиёрий ижро этиш иш бермаган тақдирда қўлланилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш мустақил тарзда амалга оширилади ва бунда ҳуқуқ эгаси мажбуриятлар соҳибига айланади, ижро этиш воситаси сифатида эса, унинг ҳуқуқни ижро этишга қаратилган ташаббускор ҳаракатлари ҳисобланади”³.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ихтиёрий тартибда бажарилмаслиги натижасида уни мажбурий равишда ижро этиш зарурати вужудга келади ва мазкур ҳолатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этиш субъекти сифатида махсус ваколатли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади”⁴.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этиш шакллари, субъектлари ва воситалари ўртасида тўғридан тўғри алоқадорлик ва боғлиқлик мавжуд. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ихтиёрий ижро этилганда унинг субъекти ва мажбурият эгаси айни бир шахс бўлади, ижро этиш воситаси эса, ушбу шахснинг ихтиёрий ташаббуси ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ихтиёрий ижро этмаганда уни мажбурий ижро этиш зарурати юзага келади ва унда унинг субъекти шахс ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мажбурий ижро этириш ваколатига эга махсус ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар, ижро этиш воситаси эса, тегишли ҳуқуқ

¹ Шаронов В.С. Исполнение законов как одна из форм проявления исполнения права // Международный научно-исследовательский журнал. — Екатеринбург, 2017. — № 12. — С. 135-137.

² Шаронов В.С. Исполнение права: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Саратов: СГЮА, 2018. — 31 с.; Шаронов В.С. Формы исполнения права // Вестник СГЮА. — Саратов: Саратовская государственная юридическая академия, 2016. — №3. — С. 168-171.

³ Домченко А.С. Нормативный правовой акт органа исполнительной власти: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Челябинск, 2019. — С.14.

⁴ Аюпова З.К., Кусаинов Д.У. Нормативные правовые акты и их реализация в действующем праве // Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан. — 2014. — №4(36). — С.20-21.

нормасини амалга оширишга мажбурловчи ҳуқуқни қўллаш ҳужжати (маъмурий ёки суд ҳужжати) бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ихтиёрий ёки мажбурий ижро этиш ижро этилиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаси табиатига ҳам боғлиқ бўлади, яъни айрим ҳуқуқ нормалари фақатгина ихтиёрий (масалан, ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормаларни), бошқалари эса, мажбурий (масалан, жазолашни, ҳуқуқдан маҳрум этишни назарда тутувчи нормалар), яна бир гуруҳи эса, ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий ижро этилиши мумкин.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишни ижро этилаётган норманинг мазмунидан келиб чиқиб, *тўртта асосий шаклга* ажратиш мумкин: риоя этиш, бажариш, фойдаланиш ва қўллаш¹. Шу билан бирга норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасига олиб қаралганда, бир ҳужжатнинг ўзида ҳам бажаришга, ҳам риоя этишга, ҳам фойдаланишга, ҳам қўллашга тааллуқли ҳуқуқ нормалари мужассам бўлган бўлиши мумкин.

Риоя этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга оширишнинг ўзига хос пассив шакли бўлиб, у кўпроқ у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тақиқланган ҳаракатларни бажаришдан тийилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, риоя этиш орқали қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги жазо қўллаш таҳдиди билан ман этилган ҳуқ-атвор – тақиқлар шаклидаги нормалар ижро этилади. Риоя этишнинг жамиятда ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик муҳити ва ҳуқуқ-тартиботни ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрни бекиёс.

Адабиётларда таъкидланганидек, “риоя этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатга амал қилиш, итоат этишдан иборат бўлиб, у фаол хатти-ҳаракатлардан эмас, кўпроқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тақиқ, чекловларга риоя этиш, уларни бузмасликни назарда тутати”².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга риоя этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бажариш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида учраши кўп кузатилади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда³ ижарага олувчи томонидан ижтимоий соҳа объекти таркибидаги ер участкасида бинолар ва иншоотлар, жумладан, ер ости иншоотларини куриш, кўнгилочар объектлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланган фаолиятни юритиш тақиқланган (20-банд). Шу билан мазкур низомда давлат мулкани ижарага бериш юзасидан ташаббус кўрсатиш, ижара шартномасини тузишга оид тартиб-қоидалар ҳам белгилаб берилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш барча фуқароларнинг умумий конституциявий мажбурияти (янги тахрирдаги Конституциянинг 60-моддаси) ҳисобланса, уни ижро этиш ҳокимият хусусиятига эга ҳамда ваколатли давлат

¹ Шаронов В.С. Субъекты исполнения права // Право. Законодательство. Личность. – Саратов: Саратовская государственная юридическая академия, 2016. – С. 30-31.

² Камолзода И.И. Нормативные правовые акты в системе источников права Республики Таджикистан: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Душанбе, 2023. – С.7-8.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.12.2023 й., 09/23/660/0938-сон

органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тимсолида махсус мақомга эга субъектлар томонидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бажариш эса, ундаги у ёки бу нормани амалга ошириш бўйича фаол хатти-ҳаракатларни содир этишни кўзда тутди. Бажариш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда муайян субъект зиммасига юклатилган мажбуриятларни амалга ошириш бўйича фаол хатти-ҳаракатларни содир этишни назарда тутди.

Сўнгги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тақиқловчи эмас, кўпроқ ҳуқуқ берувчи нормаларни белгилаш тенденцияси тобора кучайиб бормокда ва ушбу шароитда шубҳасиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишнинг фойдаланиш шакли кенгрок қўлланила бошлайди. Фойдаланиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқ, ваколат берувчи нормалари амалиётга жорий этилади.

Фойдаланишда ҳуқуқ субъектлари уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақдим этилган ҳуқуқ ва имкониятларни ўз ихтиёрига кўра амалга оширадilar. Ушбу имкониятлар рухсат этилган хатти-ҳаракатнинг асосий турлари бўлмиш ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларни амалга оширишдан иборат бўлиши мумкин. Ҳуқуқдан фойдаланиш орқали, аввало, шахсий эҳтиёжлар ва манфаатлар қаноатлантирилади, бу эса, ўз навбатида жамоат манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Адабиётларда таъкидланганидек, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатга риоя этиш, фойдаланиш ва бажариш ҳуқуқ нормасини ҳаётга татбиқ этишнинг бевосита шакллари бўлса, ҳуқуқни қўллаш унинг билвосита шакли ҳисобланади”¹. Ҳуқуқни қўллаш — ваколатли субъектлар — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг юридик ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини чиқариш орқали расмийлаштирилдиган давлат ҳокимияти хусусиятига эга ташкилий фаолияти ҳисобланади.

Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бажариш ва риоя этиш субъектига кўра ҳам фарқланади: бажариш махсус ваколатли давлат органлари, риоя этиш Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган барча шахслар томонидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этиш орқали ҳуқуқий тартибга солишдан кўзланган мақсадларга эришилади, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур имкониятлар таъминланади, жамиятда оммавий ва хусусий манфаатлар ўртасида мувозанат таъминланади, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва хавфсизликни таъминлаш учун шарт-шароит ҳозирлайди.

Шу билан бирга ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳаётга татбиқ этишнинг муайян ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Таъкидлаш лозимки, мажбурий аҳамиятга эга бўлган нормалардан иборат бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижро этилиши лозим бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян механизмлар орқали ижро этилади. Одатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш механизми тегишли

¹ Аюпова З.К., Кусаинов Д.У. Правовая политика как инструмент совершенствования правовой системы Республики Казахстан // Евразийская адвокатура. — 2013. — №1(2). — С. 145-146.

хужжатнинг ўзида кўрсатиб берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоатчилик экология назоратчиси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 февралдаги 101-сон қарорида¹ жамоатчилик экология назоратчиларининг мақомига оид ҳуқуқий нормалар белгилаб берилган бўлиб, ушбу қарор билан тасдиқланган низомнинг ўзида бунинг учун қандай хатти-ҳаракатларни (ёзма ёки электрон ариза билан мурожаат этиш, махсус тайёргарликдан ўтиш, якуний имтиҳондан ўтиш) амалга ошириш лозимлиги аниқ кўрсатиб берилган.

В.С.Шаронов норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этишнинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатади: “1) махсус-ҳуқуқий маънода (ҳуқуқ нормаларини турларга ажратиш нуқтаи назаридан) ҳуқуқни ижро этиш орқали мажбурият юқловчи нормалар ҳаётга татбиқ этилади; 2) ҳуқуқни ижро этишга қўйилган асосий талаблар сифат, тўлиқлик ва ўз вақтида амалга ошириш ҳисобланади; 3) ҳуқуқни ижро этиш усули сифатида ҳаракат намоён бўлади; 4) ҳуқуқни ижро этиш ҳамиша аниқ ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади; 5) ҳуқуқни ижро этиш орқали ҳуқуқ томонидан субъектларга тақдим этилган имкониятлардан тўсиксиз фойдаланиш таъминланади ва шу орқали қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлашга, жамиятда оммавий ва хусусий манфаатлар мувозанатини таъминлашга эришилади”².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этиш орқали ҳуқуқий тартибга солишдан кўзланган муайян мақсадларга эришилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имконияти таъминланади, жамиятда хусусий ва оммавий манфаатлар мувозанатига эришилади, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароит яратилади.

В.С.Шаронов норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижро этишнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатади: “1) тезкор-натижавий функция – ҳуқуқни ижро этиш орқали ҳуқуқ нормаси императив сифатида ҳаётга татбиқ этилади ҳамда ҳуқуқий тартибга солишдаги муайян мақсадларга эришилади; 2) таъминловчи функция – ҳуқуқни ижро этиш субъектларга тақдим этилган имкониятларни тўсқинликларсиз таъминлаш имконини беради, бунда кўп ҳолларда бир субъектларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун бошқа субъектларнинг мажбуриятларини ижро этиш зарур бўлади; 3) мувозанатлаштирувчи функция – ҳуқуқни ижро этиш жамиятда хусусий ва оммавий манфаатларни аниқлаш ва сақлаш учун шароит яратади; 4) муҳофаза қилувчи функция – барча фуқаролар ўз мажбуриятларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этиши натижасида жамиятда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоатчилик экология назоратчиси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 февралдаги 101-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2024 й., 09/24/101/0153-сон

² Шаронов В.С. Исполнение законов как одна из форм проявления исполнения права // Международный научно-исследовательский журнал. – Екатеринбург, 2017. – №12. – С. 135-136.

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, хавфсизликни ва давлат суверенитетини муҳофаза қилиш мумкин бўлади”¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши учун муайян талабларга жавоб бериши лозим.

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатига қўйилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим, яъни қуйи турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос бўлиши керак. Ушбу талабга номувофиқ бўлган, яъни юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлган ҳужжатлар ижро этилмайди.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда норма ижодкорлиги жараёни жадал ривожланиб, улардаги айрим нормалар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг аксини топмай қолмоқда. Масалан, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун 26-моддасида инвестиция буюртманомасига инвесторнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши талаби белгиланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармонида асосан ушбу талаб чиқарилган.

Иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат уни қабул қилишнинг барча тартиб-таомилларидан ўтган бўлиши, ваколатли орган томонидан қабул қилиниши, шаклига оид талабларга жавоб бериши, белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим. Масалан, қонунлар учун янги таҳрирдаги Конституцияда ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда, Олий Мажлис палаталари фаолиятига оид конституциявий қонунларда ҳамда уларнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартиб-таомиллар мавжуд. Уларга кўра, қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида учта ўқишда қабул қилиниши, Сенатда маъқулланиши (60 кун ичида), Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши лозим. Ушбу босқичлар тўлиқ амалга ошмагунча (айрим ҳолларда қонун Сенат маъқулламаса ёки кўриб чиқмаса ҳам Президентга юборилиши мумкин) қонун юридик кучга эга бўлмайди ва шунга кўра ижро этилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бир томондан, у зиммасига ҳуқуқ ва мажбурият юқловчи шахсларнинг уни бажариш бўйича ихтиёрий, онгли равишдаги хатти-ҳаракатларига асосланса, бошқа томондан, ихтиёрий ижро этиш механизмлари амал қилмаса, давлатнинг мажбурлов кучини қўллаш механизмларига мурожаат қилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни “куч” ишлатган ҳолда ижросини таъминлайди.

¹ Шаронов В.С. Понятия, структура и формы реализации права // Актуальные вопросы современной юридической науки: материалы международной научно-практической конференции молодых ученых, аспирантов, магистрантов и студентов. – Саратов: Наука, 2015. – С. 81-82.

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000